



“Қаҳрамон” маҳалласи ички йўллари равон бўлмоқда




Термиз туманида 29 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўллари таъмирлаш бўйича бир қатор дастурлар қабул қилинган бўлиб, барча маҳаллаларда ички йўллари тошлаш, тошланган йўллари асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда “Қаҳрамон” маҳалласининг 6 та кўчадаги 1,38 км ички йўллари таъмирлаш ва унга 499,2 млн. сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Дастурга мувофиқ маҳаллада ички йўллари асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумаладан, ҳозирги кунга қадар 390 метр йўлда асфальтлаш ишлари амалга оширилди. Маҳаллада ишлар давом эттирилмоқда.







Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати